



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 245 — 246 (12.556 — 12.557)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ



«Йил аёли — 2013»

ФИДОЙИ ВА ТАШАББУСКОР АЁЛЛАР

Фаол, изланувчан ва ташаббускор хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларни муносиб рағбатлантириш, жамиятимиз тараққиёти йўлидаги самарали фаолияти учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказилган «Йил аёли» танловининг мамлакат босқичида ушбу жиҳатлар ўзининг яна бир бор яққол ифодасини топди.

Тадбирда Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида аёлларнинг эъзозлаш, уларни аниқ манзилли ижтимоий ҳимоялаш, саломадлиги ҳақида ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш, опа-сингилларимиз учун муносиб турмуш, меҳнат шaroитларини яратиш бора-сида улкан ишлар амалга оширилган таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони мамлакатимиз аёлларининг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва нуфузини оширишга оид эзгу ишларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим омил бўлмоқда. Хотин-қизларнинг ҳуқуқий, иқтисодий билимини тобора юксалтириш, илғор ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш,

ижтимоий шериклик тамойиллари, оилалар, ёшлар билан тизимли иш олиб бориш, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, фаолияти хотин-қизлар билан боғлиқ жамоат ташкилотлари ишини мувофиқлаштириб боришга оид амалий ишлар давр талабига монанд йўлга қўйилди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида аёлларнинг рўзгор юмушларини енгиллатиш, касалликларнинг олдини олиш, оила манфаатларини ҳимоялаш бўйича эзгу ишлар кўлами янада кенгайди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида барпо этилаётган замонавий тиббиёт муассасалари, спорт-соғломлаштириш мажмуалари, гузаллик салонлари, савдо, маиший хизмат шохобчалари хотин-қизлар учун муносиб турмуш шароити яратишга оид ишларнинг амалий ифодасидир. Айни пайтда ёшларнинг онгу шуурини миллий ҳаёт тарзимишга ёт ва зарарли ғоялар таъсиридан ишончли тарзда ҳимоялаш, таълим масканлари, маҳаллалардаги «Орас-та қизлар» тўғрақлари фаолиятини янада жонлантириш, корхона ва ташкилотлардаги хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, уларни спортга кенг жалб этишга оид ижтимоий-маърифий лойиҳалар юксак самаралар бермоқда.

Жамият ҳаётида кечаётган ислохотлар жараёнида фаол иштирок этаётган, Ватан тақдири, фарзандлар тарбияси учун масъулиятини астойдил ҳис этувчи, ҳар жиҳатдан ибратли аёлларни аниқлаш, уларнинг фаолиятини кенг жамоатчиликка яқиндан таништиришда, илғор иш тажрибасини омаллаштиришда «Йил аёли» республика танловининг аҳамияти катта.

Танловнинг минтақавий босқичларида ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларда самарали меҳнат қилаётган аёллар илғор ғоя ва ташаббуслари, оилаларни мустаҳкамлаш, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини тўғри йўлга қўйиш, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича олиб бораётган ишлари атрофлича таҳлил этилди.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикасида

2014 йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилиниши Ҳиндистон ижтимоий-сиёсий доиралари вакиллари, давлат ва жамоат арбобларида катта қизиқиш уйғотди. «Жаҳон» ахборот агентлигининг мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида улар бу борадаги ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

«ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ПОРЛОҚ КЕЛАЖАК ГАРОВИДИР»

«Ҳиндистон-МДХ» савдо-саноат палатаси президенти Бал Рам Саини Ўзбекистонда парламент сайловларида кузатувчи ҳамда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида ҳакамлар ҳайъати аъзоси сифатида иштирок этган.

У мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимиз ҳаётининг барча жиҳатларида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилиб, салмоқли муваффақиятларга эришилаётганини эътироф этди. Ҳиндистонлик тадбиркор, хусусан, республика иқтисодиётининг 4,1 бараварга ўсганига эътиборни қаратар экан, ушбу ютуқлар мамлакат раҳбариятининг оқилона ички ва ташқи сиёсати ҳамда Ўзбекистон халқининг самарали меҳнати эвазига қўлга киритилганини таъкидлади.

Истиқлолга эришилган илк кунлардан бошлаб соғлом ва баркамол авлод тарбияси ислохотлар диққат марказида тургани бежиз эмас, албатта, дейди у. Ана шу мақсадда «Соғлом авлод йили», «Оналар ва болалар йили», «Баркамол авлод йили» каби давлат дастурлари қабул қилинди. Улар доирасида ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол ўсиши учун изчил чора-тадбирлар бажарилгани ушбу масалага мамлакатимизда нақадар катта эътибор қаратиб келинаётганини англатади. «Соғлом бола йили» эса ана шу ислохотларнинг мантиқий ва таркибий давоми бўлади.

Панжоб штати ҳукуматининг Дехлидаги ваколатхонаси раҳбари Мухтияр Сингх Ассал тараққиётнинг ўзбек модели мамлакат ҳаётида жуда катта ўзгаришларнинг омили бўлаётганини қайд этди.

Ҳаётга босқичма-босқич равишда татбиқ этилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги саяё-ҳаракатлар нафақат Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузининг ошишига хизмат қилди, балки мамлакат аҳолиси турмуш тарзининг яхшилинишига ва дунёқарашининг ўзгаришига сабаб бўлди, таъкидлади Ҳиндистонлик арбоб. Истиқлол йилларида мамлакат аҳолисининг реал ялпи даромадлари жон бошига 8,2 баробар ошгани, ўртача умр кўриш даражаси эса 7 йилга узайгани ўзбек халқи турмуш фаровонлиги тобора ўсиб бораётганидан далолат беради.

Мухтияр Сингх Ассал Ўзбекистонда ўсиб келаётган ёш авлодга кўрсатилаётган ғамхўрликни оқори баҳолаб, «Соғлом бола йили» деб эълон қилинган 2014 йилда кўзланган барча мақсад ва режаларнинг муваффақият ила амалга ошишига тилақдошлигини билдирди.

«Жаҳон» АА,
Дехли

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳар ҳокими қарорига мувофиқ 2013 йил 27 декабрь куни соат 15.00 да Тошкент шаҳар ҳокимлигининг катта мажлис залда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ўттиз иккинчи сессияси ўтказилади.

Сессия кун тартибига қўйилган масалалар қиритилмоқда: — Тошкент шаҳрини 2013 йил иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришнинг қўллаб-қувватлаш чоралари ҳамда 2014 йилда ислохотларни янада чуқурлаштиришга доир вазифалар тўғрисида;

— Тошкент шаҳри давлат бюджети ижроси ва 2014 йил бюджети лойиҳаси тўғрисида;

— Тошкент шаҳри бўйича 2014 йил учун маҳаллий солиқлар ва йўл-транспорт ставкалари тўғрисида;

— «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг ижроси юзасидан туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш юзасидан устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича Миробод, Мирзо Улуғбек ва Яқкасарой туман ҳокимларининг ҳисоботлари;

— Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссиясининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи;

— Тошкент шаҳридаги баъзи географик объектлар номларини тартибга келтириш тўғрисида;

— Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва унинг доимий комиссияларининг 2014 йилга мўлжалланган иш режаларини тасдиқлаш тўғрисида;

— бошқа масалалар.

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги молия органлари ва бюджет ташкилотларининг молия-ҳисоб бўлинмалари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўқув маркази томонидан Молия вазирлиги ҳузуридаги йўл жамғармаси ходимлари учун демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга бағишланган семинар ташкил этилди.

2013 йил — Обод турмуш йили

ИЗЧИЛ ИШЛАР САМАРАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида 2013 йилда автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш, транспорт инфраструктурасини ривожлантириш бўйича улкан ишлар бажарилгани, хусусан, Ўзбек миллий автомагистралининг 530 километрлик қисмида қуриш ва реконструкция ишлари олиб бориладиган, қишлоқ аҳоли пунктларини боғлайдиган 890 километрдан зиёд ички йўللар ва 200 километрдан

ортиқ шаҳар ва посёлка кўчалари таъмирланганини таъкидлади.

Обод турмуш йилида эришилган бундай улкан муваффақиятлар соҳа ривожига қаратилаётган алоҳида эътибор самарасидир, дейди Молия вазирлиги ҳузуридаги йўл жамғармаси бош мутахассиси Сардор Алижонов. Автомобиль йўллари қуриш ва таъмирлаш борасидаги салмоқли ишлар келгуси йилда ҳам изчил давом этирилиб, 537 километрдан ортиқ автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш мўлжалланаётган. Бундан ташқари, «Ўзавтойўл» компанияси тизимидаги 24 саноат ишлаб чиқариш базасини модернизациялаш, тош майдалаш линиясини капитал таъмирлаш каби ишлар ҳам давом эттирилади.

Тадбирда молия тизимидаги мутахассисларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, мамлакатимизда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш таъминлини таъминлаш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар бераётган юксак самаралар, соғлом болани тарбиялашда маҳалла ва бошқа жамоатчилик тузилмаларининг ўрнига бағишланган маърузалар тингланди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Тошкентда 25 декабрь куни «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси мустақиллик йилларида» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз вазирлик ва идоралари, Фанлар академиясининг илмий муассасалари, олий ўқув юртлири, илмий ҳамда тажриба-конструкторлик марказлари, халқаро ташкилотлар ходимлари, Хитой, Россия, АҚШ, Озарбойжон, Грузия, Қозоғистон каби дунёнинг ўндан зиёд давлатидан илмий ҳамжамият вакиллари иштирок этди.

• Республика таълим марказида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини таълим тизимига жорий этишнинг долзарб масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Семинарда ёш авлоднинг замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиши, етук инсонлар бўлиб вояга етиши учун амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини янада ошириш хусусида фикр алмашилди.

• Андижонда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилган «Юрт келажаги» танловининг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди. Ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, янги истеъодларни кашф этиш, уларнинг истеъодини юзга чиқариш ва рағбатлантириш мақсадида ўтказилаётган мазкур танловда Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидан 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган 128 нафар ёш иштирок этди.

• Наманган вилоятининг Уйчи туманидаги 13-болалар мусиқа ва санъат мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди. 2 миллиард 183 миллион сўмдан зиёд қурилиш-монтаж, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилган бино замонавий архитектура ва шаҳарсозлик талаблари асосида барпо этилди. 150 ўринга мўлжалланган бинода ёшларнинг ўзбек халқ чолгу асбоблари, фортепьяно, баян-аккордеон, анъанавий хонандалик, ракс, тасвирий санъат йўналишларида замонавий таълим олиши учун барча шароитлар яратилган.



• Францияда ядро қолдиқларини олиб кетаётган поезд изидан чиқиб кетди. Воқеа Париждан қарийб ўн километр узокликда жойлашган Дранси станциясида юз берган. Ушбу кўнгилсизлик сабабли маҳаллий аҳоли ўртасида саросима келиб чикди. Ҳукумат эса фуқароларни ташвишга тушмасликка чақириб, радиация хавфи йўқлигини билдирди.

• Нью-Йоркдаги «Кристи» аукционидан инсоният тарихидаги энг қиммат баҳо сурат сотилди. Яъни машҳур мусаввир Фрэнсис Бэкон ижодида мансуб «Люсьен Фрейд портретига учта чизги» номли картина 142 миллион долларга сотилди. Суратнинг янги соҳибининг номи маълум қилинмаган бўлсада, савдолар атиги олти дақиқа давом этиб, портретнинг бошланғич баҳоси деярли икки баробар арзон белгиланган.

• Буюк британиялик бир гуруҳ олимлар ер қуррасидаги энг узок умр кўрган жониворни топганликлари ҳақида маълум қилдилар. Гап шундаки, Исландия қирғоқлари атрофида топилган шилликқуртнинг 507 йилдан буён яшаётганлиги тадқиқотчилар унинг қобиғини очиб, ногаҳон ўлдириб қўйганликларида сўнг аниқланган.

Бу йил Моҳирабону биринчи синфга қадам қўйди. Илк дарс қизиқарли суҳбат-танишувдан бошланди. Ўқувчилар бирин-кетин ўз оиласи ҳақида сўзлаб берди. Навбат Моҳирабонуга келганда, у отаси ҳақида фахрланиб сўзлади: «Менинг қадам офицер. Формаси ҳам жуда чиройли». Ўқитувчи қизалоқнинг сўзларига изох берди. Моҳирабонунинг дадаси ҳарбий экан. Барча болалар унга ҳавас билан қаради...



Майор Баҳодир Умаралиев (ўра) оқиган сурат

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

ВАТАН ХИЗМАТИДА БЎЛИШ ШАРАФИ

Дарҳақиқат, Баҳодир Умаралиев ўн уч йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий муассасалардан бирида шартнома асосида хизмат қилмоқда. У улғайиб, вояга етган хонадон ҳам бошқа оилалардан деярли фарқ қилмасди. Отаси агроном, онаси эса ўқитувчилик касбидан қадр топган инсонлар.

Майор Баҳодир Умаралиев ўтган давр мобайнида ҳарбий касб сирларини пухта эгаллаб, намунали хулқи, билими, фидойилиги билан жамоада ҳурмат топган.

— Йигитлик бурчимни ўтаётганимда ҳарбийлик касбига ҳавас уйғониб, ҳаётимни шарафли соҳа билан боғлашга қарор қилдим, — дейди майор Б.Умаралиев. — Уйга қўнғироқ қилиб, ота-онамдан маслаҳат сўрадим. Отам эски тузум даври ҳарбийлар ҳаётидаги ноҳус хўлатлардан хабардор эмасми, дастлаб рози бўлмади.

1994 йили мuddатли ҳарбий хизматдан қайтиб, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида математика йўналиши бўйича ўқиган кирдим. Университетни битириш арафаси-

да Мудофаа вазирлиги вакилларининг талабалар билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда математикани яхши биладиган, ҳарбий қисмда хизмат қилишни истайдиган ёшлар ишга таклиф қилинди.

Баҳодирнинг ҳаётида унутилмас воқеалар кўп. Меҳнат дарсида онаси учун ясаган илк буюми, ҳарбий қасамд, тўнғич фарзанди дунёга келган кун, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида намунавий лойиҳа асосида барпо этилган замонавий уй-жойнинг қилини қўлига олгани...

— Янги уй ҳаётимизга жуда катта шодлик олиб келди, орзуимдагидек, чиройли, кенг, ёруғ, — дейди Б.Умаралиев. — Айниқса, фарзандларимизнинг қувончини айтмайсизми? Уларнинг юзидаги табассум ва ҳаракатларига қараб завқланаман. Не бахти, файзли хонадонимизда ўғлимиз дунёга келди. Қувончимиз тўйларга уланиб кетди. Берилаётган узок мuddатли ипотека кредитлари асосидаги уй-жойнинг бошланғич 25 фойз маблағи мамлакатимиз Мудофаа вазирлиги томонидан тўлаб берилгани биз учун кат-

та энгиллик бўлди. Бу ғамхўрликка жавобан юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни асраб-авайлаш, Ватанимиз равақига муносиб ҳисса қўиш учун бор куч ва имкониятимизни сафарбар этамиз.

Аёллар уйга кирганда биринчи бўлиб, ошхона ва ундаги жиҳозлар билан қизиқади. Майор Баҳодир Умаралиевнинг рафиқаси Умидахон ҳам ошхонадаги қулайликлардан мамнун.

— Уй бекаларининг асосий вазифаларидан бири — бу оила аъзолари учун ширин таомлар ҳозирлашдир, — дейди Умидахон. — Янги уйимизнинг ошхонаси кенг, шинам ва замонавий жиҳозлар билан таъминлангани бунда жуда кўл келаётди. Барча қулайликларга эга хонадонимиз калитларини қабул қилиб олаётганимизда юртимизда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилаётган юксак эътиборни яна бир бор яққол ҳис этдик. Бундай юксак ғамхўрлиги учун

Президентимиздан бир умр миннатдор-миз.

— Уйимиз чиройли, хоналари кенг, — дейди Моҳирабону. — Янги уйга кўчиб ўтишимиз билан қадам бизга компьютер совға қилди.

Б.Умаралиев — меҳрибон ота, солиҳ фарзанд, она юрт аталмиш муқаддас қўрғоннинг садоқатли посбони. Ўқиб-ўрганишдан толмайди. Спорт билан мунтазам шуғулланади. Зеро, Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, армия сафидаги ўғлонларимиз нафақат жисмоний бакуват, балки энг замонавий ҳарбий техника сир-асрорларини пухта эгаллаган бўлиши, айнаи вақтда юксак ақл-заковати, интеллектуал салоҳияти, мустақкам иродаси, ўз халқига садоқати каби олижаноб хусусият ва фазилатлари билан ҳам ажралиб туриши лозим.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири

ХУКУҚИЙ ИСЛОҲОТЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Республикаимизда суд-хуқуқ тизимини либераллаштириш ҳамда демократлаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлардан кўзланган бош мақсад фуқароларимизнинг эркин ва фаровон ҳаётини таъминлаш, уларнинг хуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялашдир.

Президентимиз таъкидлаганидек, «Мамлакатимизни демократик аниқлашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу — қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс хуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-хуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир».

Дарҳақиқат, хуқуқий ислохотлар натижасида қонунларимиз либераллаштирилиб, инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштирилди. Асосий қонунимизда инсон ва унинг қадр-қиммати олий қадрият сифатида улуғланди.

Хуқуқий ислохотлар ҳақида гап кетганда, албатта, ярашув институтига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. 2001 йилда қабул қилинган «Жинойий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун мамлакатимизда хуқуқий демократик ҳаётда қуриш йўлидаги ислохотларни чуқурлаштиришда муҳим қадам бўлди.

Гарчи ярашув суд тизимида янги хуқуқий усул бўлса-да, у миллий қадрият сифатида асрлар давомида такомил топиб келган. Ярашув институти жорий қилинганидан буён ундан самарали фойдаланилмоқда. Бу эса ўз навбатида, ортинча сансалорлик ва ҳаражатларни бартараф этмоқда.

Ярашув институти жорий этилмасдан илгари, айтайлик, автомобиль бошқариб кетаётган ҳайдовчи ўзи англамай қолган ҳолда йўл ҳаракати қоидасини бузиб, йўловчига тан жароҳати етказса, ҳайдовчи жабранлувчиға хар томонлама ёрдам кўрсатса ҳамда жарима тўласа ҳам у жиноий жавобгарликка тортилмади. Бундан эса унинг оиласи ҳам азият чекар ва фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатарди.

Мамлакатимизда экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада рағбатлантириш, корхоналар ўртасидаги ички тармоқ ва тармоқлараро санот кооперациясини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, Президентимизнинг 2011 йил 29 июлдаги «Санот кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш бўйича 2011-2013 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида» Қарори соҳа ривожига туб бурилиш ясади.

Мазкур қарорга кўра, 2014 йилнинг 1 январига қадар бўлган даврда четдан олиб келинадиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган технология асбоб-ускуналар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, шунингдек, маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар бўйича фойда солиғи, ягона солиқ тўлови (солиқ солишини соддалаштирилган тизимини қўллайдиган субъектлар учун) ҳамда асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мулк солиғи тўлашдан озод қилинган.

Ушбу имтиёзлар эвазига бўшайдиган маблағлар янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга, шунингдек, фаолият қўрсатаётган ишлаб чиқаришларни кенгайтириш, реконструкция қилиш, модернизациялашга, техник ва технологик жиҳат-

Бу ўз навбатида давлатга ҳам зийн.

Ярашув институтининг жорий этилиши билан бундай ноҳус вазиятга барҳам берилди. Қадриятларимиз ва халқимизнинг тарихий аънасаларига мос тушадиган бу институт воситасида ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноят содир этган ва қилимидан пушаймон бўлиб, жабранлувчи билан ярашган ҳамда етказилган зийнни қоплаган фуқаролар жиноий жазодан озод этиладиган бўлди.

Ижтимоий ҳавфи унча катта бўлмаган ва оғир бўлмаган жиноят содир этганлар жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши нечоғлиқ инсонпарвар эканлигини ўз ҳаётларида чуқур англаб етдилар.

Жиноят кодексига ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш тушунчаси киритилганидан буён унга доир моддалар сони кўпаймоқда. 2001 йилда 26 та моддада ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган қилимларга нисбатан ушбу институтини қўллаш назарда тутилган бўлса, эндиликда 53 та жиноят таркиби бўйича ярашув институтини қўллаш назарда тутилган.

Ярашилганлиги муносабати билан ишни тугатишнинг афзаллиги шундаки, биринчидан, жабранлувчиға етказилган зарарнинг тўлиқ қопланиши таъминланади. Иккинчидан, жиноят содир этган шахс жиноий жавобгарликдан озод этилган учун судланмаган ҳисобланади. Учунчидан, айбдорни кеңириш орқали улар жазоланмасдан тарбияланади.

Бир сўз билан айтганда, мустақиллик йилларида суд-хуқуқ тизимида ўтказилган ислохотлар тўғрйли қонунларимиз орқали инсон хуқуқ ҳамда манфаатлари ишончли ҳимоя қилинадиган бўлди.

Тоштемир УРАЗОВ,
хуқуқшунос

Қарор ва ижро

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШГА БЕРИЛАЁТГАН ИМТИЁЗЛАР

дан қайта жиҳозлашга, сифатни бошқариш тизимини жорий этиш, маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё ва материаллар солиб олишга, маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга жалб қилинган корхоналарнинг муҳандис-техник ходимларини рағбатлантиришга йўналтирилади.

Таъкидлаш жоизки, туманимизда 9 та корхона мазкур қарор асосида имтиёзлардан унумли фойдаланиб ўз равақини мустаҳкамлаб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида солиқ имтиёзлари эвазига катта миқдордаги маблағ ушбу корхоналар ихтиёрида қолган. Бўшаган маблағлар корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг

таннархини қамайтиришга, ходимларни рағбатлантиришга, ишлаб чиқаришнинг техник жиҳатдан модернизациялашга ҳамда янги иш ўринларини барпо этишга йўналтирилган.

Бир сўз билан айтганда, қарор тегишли тармоқ корхоналарини ривожлантириш, замонавий юқори унумли техника ва технология билан жиҳозланган корхоналарни жалб барпо этиш, шу асосда янги иш жойларини шакллантириш, қолаверса, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган арзон ва рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдиришга йўналтирилган.

Ботир МУКИМОВ,
Шайхонтоҳур туман ДСИ
бўлим бошлиғи

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида суғурта фаолиятини амалга оширишда тажриба, амалиёт ва мажбурият уйғунлигини таъминлаш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

СУГУРТАЛАШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Давлатимиз томонидан суғурта соҳасини ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибор тўғрйли бугун мамлакатимизда суғурта бозори кескин суруятларда ривожланиб бормоқда. Ушбу фаолиятни янада такомиллаштириш доирасида соҳага оид бир неча қонун ва қатор меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқирилиши, суғурта бозори иштирокчиларига ўз фаолиятларини янада ривожлантиришлари учун кенг имкониятлар яратиб берилаётганини тадбирда иштирок этган «Кафолат» давлат акциядорлик суғурта компанияси бош директорининг биринчи ўринбосари Р.Нарзуллаев ва бошқалар алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

«Кафолат» давлат акциядорлик суғурта компанияси суғурта хизматларини кўрсатиш бўйича мамлакатимиздаги етакчи компаниялардан бири ҳисобланади. Мазкур компания юридик ва жисмоний шахсларга қулай суғурта хизматларини кўрсатиш мақсадида жорий йилда яна 9 та агентлик тармоғини ишга туширди. Бу билан компания бўлиналари сони 154 тага етди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда барча соҳаларда ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилмоқда. Худди шундай «Кафолат» суғурта компаниясининг веб-сайти орқали ҳам аҳолига интерактив хизматлар кўрсатилмоқда. Яқинда «KAFOLAT-ONLINE» база маълумотларини бошқариш тизимининг дастлабки босқичи ишга туширилди ва ҳозирда синовдан ўтмоқда. Ушбу тизимда компаниянинг суғурта ва молия фаолияти, кадрлар сиёсати бўйича барча маълумотлар жамланган. Бундан ташқари миҳозлар таклиф этилаётган суғурта хизматларини интернет тармоғи орқали сотиб олиш имконига эга бўладилар.

— Мамлакатимиз томонидан аҳоли ва юридик шахсларга хар томонлама қулай, пасайтирувчи коэффицентларни ўз ичига олган ва томонларнинг манфаатларига тўлиқ мос келувчи суғурта хизматлари таклиф этилмоқда, — дейди умумий суғурталаш департаменти бош менежери Ақром Шаробиддинов. — Бунда биз хориз тажрибаси ва мамлакатимиз суғурта бозоридида шакланган тажрибалардан фойдаланиб иш олиб бормоқдамиз. Бугунги кунда аҳоли ва ҳўжалик иритувчи субъектлар эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда янги суғурта турлари ишлаб чиқилиб, мавжудлари такомиллаштирилмоқда.

Узоқ йиллар давомида тўпланган тажриба компаниянинг босқичма-босқич ривожланишида ижобий натижа бериб, бугун иқтисодий кўрсаткичларда ўсишга эришилмоқда. Жорий йилнинг ўтган 11 ойи мобайнида 572 миғ суғурта шартномалари имзоланиб, 25,9 миллиард сўм суғурта муқофотлари жамланди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 142 фойз кўп демакдир. Мана шундай юқори кўрсаткичлар натижасида компания мамлакатимиздаги ўттиздан ортиқ суғурталовчилар ўртасида кучли тўртликдан жой олди.

Компания минтақавий тармоқларни кенгайтириш, кадрлар малакасини ошириш, ассистанс хизматлари билан ишлашни фаоллаштириш каби бир қатор йўналишларга асосий эътиборини қаратмоқда. Бу суғурта давволарини сифатли ва тезкор кўриб чиқишда ўзининг ижобий самарасини беради.

Анжуманда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофича жавоб олдилар.

Абдуалим САЛИМОВ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

МУКАММАЛ ҚОНУНЛАР — ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Мамлакатимизда қонунлар ва қонунчилик техникасини такомиллаштириш, қонун ижодкорлиги ва хуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилмоқда. Бу норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ўзро мутаносиблиги ва пухта ижро этилишига хизмат қилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида нафақат қонун ҳужжатлари лойиҳасини тайёрлаш, балки хуқуқни қўллаш амалиёти доимий таҳлил қилинаётгани ва мониторинги юритилаётгани, амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича асосланган таклифлар тайёрлаш тизими яратилгани ўз самарасини бермоқда. Қонун ва бошқа хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини юридик экспертизадан ўтказиш жараёнида уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, шунингдек, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги юзасидан тайёрланаётган ҳулосалар ҳар бир ҳужжатнинг пишиқ-пухталигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг устувор вазифаларини ҳал этиш борасида ишлаб чиқилаётган норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифати, экспертиза қилиниши билан боғлиқ масалаларга бағишлаб ташкил этилган йиғилишда шулар ҳақида сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Суд-хуқуқ масалалари қўмитаси раиси А.Раҳимов, Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги биринчи ўринбосари М.Икромов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов мамлакатимизда қонун ижодкорлиги масаласига доимий эътибор қаратаётгани қабул қилинаётган қонунларнинг ҳар томонлама мукамаллиги, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар талабларига мослигини таъминлашда муҳим ўйин бўлаётганини таъкидлади.

Адлия вазирлиги томонидан норма ижодкорлиги соҳасида қонунчиликка қатъий риоя этилишини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тайёрланаётган норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатини ошириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2013 йилнинг тўққиз ойи давомида хуқуқий экспертизадан ўтказиш учун вазирликка мингдан ортиқ норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳаси тақдим этилиб, шундан саккиз юзга яқини хуқуқий экспертизадан ўтказилган. Бундан ташқари, давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган тўрт юздан ортиқ ҳужжатнинг ярмидан кўпроғи рўйхатдан ўтказилган. Қонун ҳужжатлари талабларига зид бўлган ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган.

Йиғилишда Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-хуқуқ масалалари қўмитаси томонидан тизимда шу йўналишда амалга оширилаётган ишлар назорат-таҳлил тартибида ўрганилгани ва унинг натижалари хусусида фикр алмашилди.

Тадбирда норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларида учраётган камчиликларни бартараф этишда эътибор қаратилиши зарур жиҳатлар, экспертиза имкониятларидан унумли фойдаланиш борасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини оширишга оид маърузалар тингланди.

ФИДОЙИ ВА ТАШАББУСКОР АЁЛЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Танловнинг мамлакат босқичида 14 аёл иштирок этди.

Танловда Андижон вилояти Асака тиббиёт коллежи директорининг ўринбосари, педиатр Наргиза Сатторова «Йил аёли — 2013» республика танловининг ғолиби бўлди.

— Мен Ўзбекистондек аёллари қадр топган, қизларининг бахти, камолоти, истиқболини кўзлаган мамлакатда туғилиб, яшаётганимдан беҳад фахрланаман, — дейди танлов ғолиби Н.Сатторова. — Президентимизнинг бизга кўрсатган чексиз меҳр ва ғамхўрлиги янада фаол бўлишга, мамлакатимиз тақдири, унинг келажиги учун масъулиятни астойдил ҳис этиб меҳнат қилишга ундайди.

Танловнинг ғолиби ва совриндорларига диплом ва совғалар топширилди. Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

(ЎЗА)



Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси

Тадбир аввалида лицей ўқувчиларининг «Она юртим — Ўзбекистоним ва экология» мавзусидаги деворий газета ва рефератлар танловига тақдим этган ишлар тақдими, «ЭКОСАН» фондининг экологияга оид нашр эттирган адабиётлари кўргазмаси ҳамда Орол муаммоларига бағишланган «Номи хариғатга киритилмаган саҳро» ҳужжатли фильми намойиш этилди.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси бўлим бошлиғи, кимё фанлари номзоди Хония Асилбекова ва Тошкент Давлат педагогика университети доценти, тарих фанлари номзоди Эркин Қосимовнинг «XXI асрда экология ва саломатлик муаммолари» мавзусидаги маърузаларини қизиқиш билан тингладилар.

Таъкидланганидек, табиатни муҳофаза қилиш — энг муҳим ва ҳаётий зарур бўлган муаммо. Шундай экан, ҳар қандай маданият-

«ЭКОСАН» халқаро жамоат фонди томонидан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Тошкент Давлат педагогика университети билан ҳамкорликда Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги лицейда ёшларнинг экологик билимларини ошириш мақсадида давра суҳбати ўтказилди.

гўзалликка эришган ва бутун борлиқни ҳаётбахш нафаси билан таъминлаб туради, тўйдиради. Ана шундай саховаткор курраи заминнинг

— мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб олий ўқув юрталарига бўлган таълим масканларида узлуксиз экологик таълимни йўлга қўйиш;

ЁШЛАРНИНГ ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИ БОРАСИДАГИ ФАОЛЛИКЛАРИ ОШМОҚДА

ли киши, айниқса, тиббиётнинг экологияга оид қисмини ўзига касб қилиб танлаётган ўқувчи буни тўла англаб етиши, чуқур ҳис қилиши даркор. Зеро, яшашимиз манбаи бўлган тоза сув, соф ҳаво, Қуёш нури, тупроқ, озиқ-овқат, кийим-кечак табиатнинг негизидир. Она табиат неча-неча миллион йиллар давомида мислсиз

озор топиши, у билан бевоқиф одамлар ва жониворларни таҳликага солиб қўйиши мумкин.

Давра суҳбатидаги маърузачилар эътирофига, атроф-муҳитни сақлаш борасида аввало, қўйидаги омилларни амалга ошириш жуда муҳимдир:

— оила тарбиясида экологик тарбияга катта эътибор берилиши;

— барча жабҳаларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунчилигимиз асосида табиатни муҳофаза қилиш ҳар бир шахснинг бурчи эканлиги ҳиссини кишилар онгига сингдириш.

«ЭКОСАН» халқаро жамоат фонди бўлим бошлиғи Собиржон Абдуллаев Ўзбекистон Республикаси Табиатни

муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирлиқларининг «Республикада экологик таълимни ривожлантириш ва эколог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда маълумоти ошириш тизимини янада такомиллаштириш истиқболлари Дастури ва Концепцияси тўғрисида»-ги қўшма қарори асосида «ЭКОСАН» халқаро жамоат фонди томонидан коллежлар ва лицейлар учун мўлжалланган «Экология» ўқув қўлланмаси чоп этилганини маълум қилиб, ушбу китобни бир қатор экологияга оид адабиёт ва плакатлар билан бирга лицейнинг «Экология бурчаги» учун тақдим этди.

Лицей ўқувчиси Умида Хамроева мамлакатимиз ёшларига «Мурожаатнома» билан чиқиб, «ЭКОСАН»нинг «Анъаналарни тикла — дархат эк!» акциясига жавобан ўқув маскани боғида ниҳоллар экиб, парвариш-лашга қўллади. Ушбу тақлиф қизини қўллаб-қувватланди.

Миркарим МИРСОВУРОВ,
«ЭКОСАН» халқаро жамоат фонди бўлим бошлиғи



Экология кенг маънодаги тушунча бўлиб, ер қўррагини ўраб турган атроф-муҳит, табиий мавжудот ва тирик организмлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўз ичига олиши ҳаммамизга маълум. Бугунги кунда атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари инсониятни янада кўпроқ ташвишга солмоқда.

СОҒЛОМ МУҲИТНИ ЯРАТИШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Экологиянинг бузилиши нафақат инсон, балки табиатдаги бошқа мавжудотлар, ўсимликлар, ер, сув, ҳаво ва бошқаларда ҳам ўз таъсирини намойиш қилмоқда.

Мамлакатимизда экологик муаммолар умумий табиатни муҳофаза қилиш бўлими таълим-тарбия тизими муҳим ўрин тутади. Экологик таълим деганда ўқувчиларга берилиши лозим бўлган табиат билан инсон ўртасидаги муносабатларни ифодаловчи билимлар тизими тушунилади. Экологик тарбия эса инсоннинг атроф-муҳитга нисбатан муносабатини тарбияладир. Экологик таълим-тарбия умумий таълим-тарбиянинг шакли ва таркибий қисми бўлиб, унинг мактабда барча фанларни ўқитишда амалга оширилиши кўзда тутилади. Мухтасар қилиб айтганда, экологик таълим-тарбия бош мақсад бўлиб, атроф-муҳит ва унинг муаммоларига ёш авлод муносабатини шакллантиришдан иборатдир.

Экологик тарбиялаш жараёнида ёшлар табиий бойликларни тежаб-тергашга,

табиатни муҳофаза қилишга ўргатиб борилади.

Табиат билан инсон ўртасидаги ўзаро муносабатлар маълум қонунларга бўйсунган ҳолда амалга ошади. Бу қонунларнинг бузилиши эртаки кечми ноқуш экологик вазиятни келтириб чиқаради. Инсондаги барча яхши сифатлар асосан оилада ва таълим-тарбия муассасаларида шакллантирилади. Шундай экан биз аввало соғлом муҳитни яратилишимиз лозим. Бизга маълумки, инсон саломатлиги миллат бойлиги ҳисобланади. Шу боисдан ҳар бир киши ўзининг ва атрофдагиларнинг жисмоний, руҳий ва ижтимоий саломатлигини асраши керак. Аҳоли соғлиғини яхшилаш табиий, ижтимоий ва руҳий муҳитларнинг ҳолатига боғлиқдир. Бунда ижтимоий муҳит етакчи роль ўйнайди. Чунки тоза ижтимоий муҳитда бой маънавият шаклланади. Бой маънавиятга эга бўлган киши ҳам ижтимоий, ҳам руҳий, ҳам табиий муассаларни таъминлай олади.

Муборак ҲАКИМОВА,
Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти ўқитувчиси

ЭКОЛОГИК ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Шаҳримиздаги «Le Grande Plaza» меҳмонхонасида йилнинг энг яхши экологик ташаббуси бўйича «Экологияга салбий таъсирни камайтир» кўрик-танлови якунига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Кўрик-танлов таъсисчилари ва ташкилотчилари Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳамда «Ekomaktab» нодавлат ношаро ташкилоти бўлиб, ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон экологик ҳаракати ва «Ekomaktab» экология-ресурслар маркази ҳамкорлигидаги «Атроф-муҳит ва экология масалаларини ечиш бўйича соҳалараро ҳамкорлиқни кучайтириш мақсадида экологик хабардорликни ошириш» лойиҳаси доирасида ўтказилди.

Кўрик-танловни уюштиришдан мақсад — атроф табиий муҳитни асраш, шунингдек, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича энг самарали тажрибалардан аҳолининг хабардорлигини ошириш, экологик муаммоларни фаол муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг ҳамкорлиқда ечимини излашдан иборатдир.

Матбуот анжумани доирасида «Йилнинг энг яхши экологик ташаббуси» номинацияси бўйича энг яхши тажрибалар тақдирланиш ҳамда ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Қўйида 2013 йил мобайнида йилнинг энг яхши экологик ташаббуслари сифатида эътироф этилган лойиҳалар билан таништириб ўтамиз.

«Экологик лойиҳа» номинацияси бўйича «Қўп қаватли аҳоли яшаш биноларини энергетик жиҳатдан реконструкциялаш Тошкент шаҳри табиий муҳитини ас-

рашга қаратилган янги йўналиш сифатида» лойиҳаси ғолиб деб топилди ва унинг муаллифи Тошкент Архитектура-қурилиш институтининг «Бионолар ва иншоотлар» кафедраси доценти Мансур Зоҳидов лойиҳа тақдимотини ўтказди.

«Экологик инновация» номинациясида «Ишлатилиб бўлинган шиналарни қайта ишлаш ва қўчалар тўшамаси учун плиткалар ишлаб чиқариш» лойиҳаси энг яхши дея эътироф этилди ва «Тошкент шина тиклаш заводи» МЧЖ корхонаси раҳбари Саидкарим Пазиллов лойиҳанинг мазмун-моҳияти билан йиғилганларни таништириб ўтди.

«Экологик тоза ишлаб чиқариш» номинацияси бўйича General Motors Powertrain-Uzbekistan корхонаси ғолиб деб топилди ва мазкур корхонанинг атроф-муҳит муҳофазаси бўйича менежери Фарида Нафикова ушбу энг долзарб номинация тақдимотини ўтказди.

«Экологик акция» номинацияси шаҳарнинг янада яхшиланиши учун ҳамда «Устюрт посёлкаларида сайгоқ қўнлари» лойиҳаларига насиб этди. Бунда иккинчи лойиҳа бўйича тақдимотни Ўзбекистон Фанлар академияси ўсимлик ва ҳайвонот дунёси генотипи институтининг етакчи ходими Елена Бикова ўтказди.

Ўйлаймики, юқоридаги пухта лойиҳалар келажада албатта ўз самарасини беради.

Дилмурод ИСМОИЛОВ



Амаким менга ҳовли жойини ҳада қилиб кетган. Ҳозирда уни сотиб, машина олмоқчиман. Машинани сотаётганимда олди-сотди шартномаси учун турмуш ўртоғимнинг розилиги талаб қилинадими?

Н.Тошматов,
Бектемир тумани

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 25-моддасида шундай белгиланган: «Эр-хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегишли бўлган мол-мулки, шунингдек, улардан ҳар бирининг никоҳ давомида ҳада, мерос тариқасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мулки улардан ҳар бирининг ўз мулки ҳисобланади.

Ушбу мулкларни тасарруф этишда сотувчининг турмуш ўртоғининг розилиги талаб этилмайди. Эр ва хотиндан бирининг умумий мол-мулкни тасарруф этиши билан боғлиқ битим тузилганида, бу ҳаракат бошқасининг розилигига кўра амалга оширилади. «Бунга мувофиқ айтиш мумкин, олди-сотди шартномасида масаланинг ана шу тарафи қўриб чиқилди. Агар ҳақиқатда никоҳ давомида ҳада ёки мерос тариқасида мол-мулк сизга қолган бўлса ва бу расмийлаштирилган бўлиб, ётарли ҳужжатлар тақдим этсангиз, турмуш ўртоғининг розилиги шарт эмас. Агар бу мулк эр-хотин ўртасида умумий, деб ҳисобланса, бу ҳаракатда турмуш ўртоғининг ёзма тарздаги розилиги керак бўлади.

Фозилходжа НАБИЕВ,
Олмасор туманидаги 11-сонли ДНИ нотариуси

Тоғам кексалиги ва касаллиги сабабли васиятномани имзолай олмайди. Унинг ўрнига жияни сифатида мен имзолашим мумкинми?

А.Ақбаров,
Сергели тумани

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 1124-моддасига мувофиқ: Ёзма шаклдаги васиятнома васият қилувчининг ўз қўли билан имзоланиши лозим. Агар васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятномани ўз қўли билан имзолай олмаса, унинг илтимосига биноан — нотариус ёки қонунга мувофиқ васиятномани тасдиқлайдиган бошқа шахс ҳозир бўлганида васият қилувчи ўз қўли билан имзолай олмаганлигининг сабаблари кўрсатилган ҳолда васиятномага бошқа шахс имзо қўйиши мумкин.

Фақат қўйидаги шахслар бундан мустасно: — нотариус ёки васиятномани тасдиқловчи бошқа шахс;

— васиятнома кимнинг фойдасига тузилган ёки кимга нисбатан васият мажбурияти юклатилган бўлса, ўша шахс ва бу кишининг оила аъзолари, шунингдек, васият қилувчининг қонун бўйича меросхўрлари;

— тўлиқ муомала лаёқатида эга бўлмаган фуқаролар;

— саводсизлар ва васиятномани ўқий олмайдиган бошқа шахслар;

— ёлгон гувоҳлик берганлик учун муқаддам судланган шахслар;

Ва қонунда кўрсатилган бошқа шахсларнинг васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаши мумкин эмаслиги белгиланган.

Санам АЗИМОВА,
Шайхонтохур туманидаги 6-сонли ДНИ нотариуси

Мулкка эгалик ҳуқуқининг кафолатлари тўғрисида маълумот берсангиз.

Т. Умурзоқов,
Миробод тумани

Фуқаро уй-жой ва хонадонларни мулк эгаси сифатида тасарруф этар экан, ушбу мулкни тасарруфдан чиқариш қоидаларини ҳам яхши билиши лозим. Қонун талабларига кўра, ҳар қандай мулк, жумладан, уй-жой ва хонадонлар ҳам тасарруфдан чиқарилиши ва бегоналаштирилиши мумкин. Бундай мулкни тасарруфдан чиқариш шартномалар асосида нотариал идораларда расмийлаштирилади. Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»-ги қонуни 44-моддаси (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрелдаги таҳрири) талабларига мувофиқ, мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш ва гаровга қўйиш тўғрисидаги битимлар ушбу мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар кўрсатилганидагина расмийлаштирилиши лозим. Бунда мол-мулкнинг бошқага ўтказувчига ёки гаровга қўйувчига тегишли экани, бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмагани ва хатланмагани текширилади. Тақиқ мавжуд бўлган ҳолларда мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битим фақат кредитор билан олувчи шахс қарз олувчининг ҳисобига ўтказишга рози бўлган тақдирда тасдиқланиши мумкин. Уй-жойни (уй-жойнинг бир қисмини) бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимлар шу мол-мулк жойлашган ҳудудда тасдиқланади. Уй-жой ва хонадонларни тасарруфдан чиқариш шартномаларини расмийлаштириш ана шу тартибда амалга оширилади. Бундай ҳолатда расмийлаштирилган шартномалар қонуний ҳисобланиб, фуқароларнинг мулкка бўлган эгалик ҳуқуқини ҳимоя қилади.

Бўрибой МИРАЛИМОВ,
Рустам НОРОВ,
Мирзо Улуғбек тумани ДНИ нотариуслари

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА АМАЛИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛМОҚДА

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан тадбиркорлик субъектлари учун ҳар ойнинг иккинчи ярмида қўмита мажлислар залида «Очиқ эшиклар куни» тадбири ўтказиб келинади. 2013 йил давомида 12 марта шундай тадбирлар ташкил этилди.

Очиқ эшиклар кунида тадбиркорлик субъектлари томонидан берилган, ўзлари учун керакли бўлган Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари, талаб этиладиган меъёрий ҳужжатларни қандай расмийлаштириш, уларни ишлаб чиқиш ва қим томонидан тасдиқланиши тўғрисидаги мурожаатлари, саволлари ва мурожаат аризалари қўриб чиқилади. Бундан ташқари қўмита ишонч телефонларига ҳам қўнғироқлар бўлди ва ҳамшаҳарларимизнинг ишонч телефонларига мурожаатлари ижобий ҳал этилди.

Тадбиркорлик субъектлари жамиятининг иқтисодий негизи ҳисобланади. Уларга кенг имкониятлар яратилмоқда. Шуни алоҳида эътироф этиш

керакки, сўнгги йилларда тадбиркорлик фаолиятини такомиллаштиришга доир Президентимизнинг қўллаб-қувватлаш қарорлари эълон қилинди. Бу ҳуқуқий ҳужжатлар замирида тизим фаолиятини кенгайтириш фаоллаштириш ва ишбилармонларга зарурий имтиёзлар яратиш мавжуддир.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига мурожаат қилинган ҳар бир масала тегишли бўлимлар томонидан ижобий ҳал этилади. Масалан, 2013 йил 28 октябрдаги очиқ эшиклар кунида Олмасор тумани, Қорақамиш мавзеси, 3-даха, 9-уй, 45-хонадонда истиқомат қиладиган хусусий тадбиркор «Баҳодирров Б.В.»нинг мурожаати қўриб чиқилди. Мурожаатда тадбиркор каса-

начилик, яъни уйда тикувчиларни йўлга қўйиш учун қандай ҳужжатларни расмийлаштириш кераклиги ҳақида маълумот сўраган. Ушбу мурожаат ижобий ҳал қилинди, яъни қўмитада рўйхатдан ўтиб, атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатмаслик шарти билан маълумотнома берилди.

Юқоридаги каби мурожаат қилган ҳар бир тадбиркорлик субъектларига қонун доирасида амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси хусусий тадбиркорларга ҳамма вақт ёрдам беришга тайёр, уларнинг мурожаатлари ижобий ҳал қилинмасдан қолмайди. Бундан ташқари, қўмитада 277-75-43, 277-00-86 рақамли «Ишонч телефонлари» мунтазам равишда фаолият кўрсатиб келмоқда.

Тадбиркорлик субъектларидан очиқ эшик кунида фаол қатнашиб, ишонч телефонларига қўнғироқ қилишларини сўраб қоламиз.

З.АХМЕДОВ,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Назорат бўлими бошлиғи

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



**“MAGNUM MEDICAL SERVIS” МАСЪУЛИЯТИ
ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

юртдошларимизни янги ютуқларга
чорлаган ҳолда кириб келаётган
2014 йил – «Соглом бола йили» билан
самимий қутлайди.

Ватанимиз равнақи йўлида амалга
ошираётган ишларингизда муваффақият,
оилавий бахт ва мустаҳкам соғлиқ
ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин, азизлар!

Маҳсулотлар сертификатланган, хизматлар лицензияланган.

**“ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ”
ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

барча ҳамшаҳарларимизни кириб
келаётган янги 2014 йил –
«Соглом бола йили» билан чин дилдан
муборакбод этади.

Сизга ва оила аъзоларингизга фаровонлик,
бахту саодат тилаб қоламиз.

Хуш кайфият дилларингизни йил
бўйи тарқ этмасин!



METRO

ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАР!

Барчангизни кўнгил ободлигининг бетакрор жозибаси сифатида
кириб келаётган янги – 2014 йил билан чин қалбдан
муборакбод этамиз.

Сизга сўхат-саломатлик, оилавий фаровонлик ва шодлик тилаймиз.
Яхши кайфият доимо ҳамроҳингиз бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
“ЎЗДИПТРАНСХИЗМАТ” ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

**ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР
ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!**

Янги – 2014 йил билан барчангизни самимий
тилаклар ила муборакбод этамиз.

Шундай қутлуз кунларда эзгу тилагимиз –
юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлиб,
хонадонларимиздан файзу барака аримасин.
Элимизнинг дастурхони доимо тўкин бўлсин.

**“SARAY PLASTIC” МАСЪУЛИЯТИ
ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

Янги – 2014 йил билан чин дилдан муборакбод этамиз! Барчангизга сўхат-саломатлик, хонадонингизга
тинчлик-тотувлик, кут-барака, бахт-саодат.

Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги фаолиятингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Фурсаддан фойдаланиб, қўйидагиларни эслатиб ўтамиз: “Тошкентшаҳаргаз” марказий апарат-диспетчерлик хизматида
-газ асбобларининг бекуда ишлаб туришига йўл
қўйманг ва қаровсиз қолдирманг;
-газ асбобларини ўрнатип ва таъмирлаш ишларида
тумангаз мутахассислари хизматидан фойдаланинг;
-агарда газ ҳидини сезиб қолсангиз, дарҳол тумангаз
авария-диспетчерлик хизматларига
(Миробод тум – 254-15-61, М. Улуғбек тум – 267-46-24,
Чилонзор тум – 278-09-99, Ҳамза тум – 296-39-61,
Яккасарой тум – 255-49-59, Шайхонтоҳур тум – 242-39-26,
Юнусобод тум – 242-52-25, Олмазор тум – 248-35-48,
Сергели тум – 258-84-88, Учтепа тум – 274-44-34,
Бектемир тум – 293-14-43) енг.

“Тошкентшаҳаргаз” марказий апарат-диспетчерлик хизматида
104; 255-44-27, 255-44-29, 253-56-19, 253-56-31 телефонларига
муурожаат қилинг. Хурматли истеъмолчилар,
Газ хисоблагичларни ўз вақтида яъни аҳоли
хонадонларидаги газ хисоблагичларини ҳар тўрт йилда,
корхоналардаги газ хисоблагичларини эса ҳар икки йилда
давлат қўриғидан ўтказишни унутманг.
Шуни эсдан чиқармангки, табиий газдан оқилона
фойдаланиш ва сарфланган газ
ҳақини ўз вақтида тўлаш — газ ускуналарини ва қурулларини
мунтазам текшириб,
созлаш ва таъмирлаш учун имконият яратди.
Хонадонингизни тинчлик-хотиржамлик тарқ этмасин, ҳамша
хурсандчилик ва байрамона кайфият ҳамроҳингиз бўлсин!

“Тошкентгазтаъминот” унитар корхонаси “Тошкентшаҳаргаз” филиали маъмурияти

**ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМАЛИГИ ЙЎЛОВЧИ
ТРАНСПОРТИНИНГ БАРЧА
ТУРЛАРИ ҲАРАКАТИНИ
ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ВА
МУВОФИҚЛАШТИРИШ
ДЕПАРТАМЕНТИ ЖАМОАСИ**

Тошкент шаҳри аҳолиси ва меҳмонларини
кириб келаётган янги — 2014 йил билан
самимий табриклайди.

Янги йил ҳар бир хонадон ва ҳар бир
оилага қувончу шодиёна, бахт-
саодат, хуш кайфият олиб келсин!

Жамоат транспортининг ишини яхшилаш бўйича
ўз таклифларингизни 233-38-89, 233-21-53,
233-78-43 ва 233-34-87 телефонлари орқали
беришингиз мумкин.

“ТОШРАНГМЕТЗАВОД”**ОЧИҚ АКЦИЯДОРАИҚ ЖАМИЯТИ
ЖАМОАСИ**

**барча
юртдошларимизни
кириб келаётган
2014 йил — «Соғлом бола
йили» билан муборакбод
этади.**

Янги йилда сизларга сўхат-саломатлик,
бахту саодат, хонадонларингизга тинчлик ва
файзу барака тилаймиз. Қалбингиздан Янги
йил байрами шукуҳи ҳеч қачон аримасин!




**ТОШКЕНТ ШАҲАР ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА
ҚИЛИШ ҚўМИТАСИ ЖАМОАСИ
БАРЧА ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ
ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИНИ**

кумуш қишининг зийнати бўлмиш Янги йил байрами
билан самимий тилаклар ила муборакбод этади.

Сизларга бахту саодат, оилавий фаровонлик,
муштаҳкам соғлиқ ва узоқ умр тилаймиз.

Азиз диёримиздан, файзу барака ҳеч қачон аримасин,
фарзандларимиз камолини кўриш ҳаммамизга
насиб этсин!

2014**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР****АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!**

Барчангизни кириб келаётган фурсинкор
янги 2014 йил — «Соғлом бола йили» билан
самимий муборакбод этамиз.

Хонадонингизга тинчлик-тотувлик,
файзу барака, тўқин-сочинлик тилаймиз.
Озод ва обод Ватанимиз равнақи йўлида амалга
ошираётган эзгу ишларингизда омад ёр бўлсин.

Янги йил ила гўзал диёримиз нурга тўлсин,
кўнглингизга тугиб қўйган
барча эзгу ниятларингиз ижобат бўлсин!

«ТОШКЕНТ УНИВЕРМАГИ» ОАСИЧЖ ЖАМОАСИ

Ушбу кутлуғ кунларда супермаркетимизда
янги бўлим очилганлигининг маълум
қиламиз ва барчангизни байрам савдосига таклиф этамиз.

Тел: 233 - 62 - 88

Факс: 233 - 76 - 37

Маълумотлар асрида бўлсин!

O'ZBEKISTON
SAVDO-SANOAT
PALATASI

**ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ТОШКЕНТ
ШАҲАР ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ**

ҳамшаҳарларимиз ҳамда кичик бизнес ва хусусий
тадбиркорлик субъектларини

янги — 2014 йил билан самимий муборакбод этади.

Хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик,
қут-барака, бахт-саодат тилаймиз.

Эл-юртимиз фаровонлиги йўлидаги барча ишларингизда
улкан муваффақиятлар ёр бўлсин.

Йил давомида яхши кайфият ва омад сизларни асло тарк этмасин!



Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасининг янги даволаш биноси фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда тегишли давлат, жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, шифокорлар иштирок этди.

2014 йил — Соғлом бола йили

ЯНГИ БИНО — ЯНГИ ИМКОНИЯТ

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.Алимов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, инсон саломатлигини асраш ўсиб келаётган авлодни соғлом ва баркамол этиб вояга етказишда муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган туб ислохотлар жараёнида педиатрия йўналишида кўрсатилаётган хизматлар кўлами ва сифати яна-

да кенгаймоқда. Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида бу борада жаҳон тиббиётининг илғор услубларидан кенг фойдаланилган ҳолда болаларга самарали тиббий ёрдам кўрсатишмоқда.

Маъмур муассасанинг уч қаватли янги даволаш биноси педиатрия йўналишида фойдаланиладиган замонавий техника ва технологиялар билан таъминланган. Мажмуада гўдақлар, пульмонология, неврология ва кардиоревматология бўлимлари фаолият кўрсатмоқда.



Соғлом бола йили арафасида фойдаланишга топширилган бундай даволаш муассасалари халқимизга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини янада ошириш, диагностика ва даволашнинг юксак технологияларини ўзлаштириш, болалар саломатлигини мустаҳкамлашда ўз самараларини беради.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов иштирок этди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

ФАОЛЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» доирасида пойтахтда эълон қилинган кўрик-танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрдаги 309-сонли ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2011 йил 21 ноябрдаги 760-сонли қарорлариға мувофиқ, мамлакатимиз жумладан шаҳар ҳудудида жойлашган иқтисодиёт тармоқлари ва аҳоли турар жойларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинлар, уларда инсонларнинг жабрланиши ва ҳалок бўлиш ҳолатларининг олдини олиш, газ ва иситиш мосламаларидан тўғри фойдаланишни тартибга солиш мақсадида жорий йилнинг 20 ноябрдан 20 декабрга қадар «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилди.

Йиғилишда, ойлик доирасида амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар ва кузатишган камчиликлар борасида сўз борди. Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ ва кўйи тизимлари томонидан ойликни юқори савияда ўтказиш мақсадида 1015 та корхона, хўжалик ва ташкилотларнинг ёнғинга қарши ҳолати тўғрисида 4544 таси мониторинг тартибидеда ўрганиб чиқилди. Корхона ва ташкилотлар ходимлари билан учрашувлар ўтказилиб, жами 4742 та ёнғин хавфсизлиги бурчаклари ташкил этилди. Бугунги кунда ўрганишларда тасвия этилган тадбирларнинг 76,1 фоиз ижроси таъминланиб, ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларини бузганликлари учун 311 нафар раҳбар ва жавобгар шахсларга нисбатан 19848226 сўм миқдорда маъмурий жарималар солинди. Ёнғин чиқиш хавфи бўлган 172 та корхона, цех ва омборхоналардан фойдаланиш вақтинча тўхтатилди, 1977 та носоз электр мослама, агрегат ва электр тармоқларидан фойдаланиш тақиқланди.

Ёнғинларнинг асосий қисми фуқаролар яшаш уйларига тўғри келаётганлигини инобатга олган ҳолда, 112815 та аҳоли турар жойлари, 7 мингдан зиёд кўп қаватли уй ва улардаги 172279 та хонадоннинг ёнғинга қарши ҳолати ўрганиб чиқилди. Уй-жой мулкдорлари ширкатларида фуқаролар иштирокида учрашувлар ўтказилди, 2928 та ёнғин хавфсизлиги бурчаклари ташкил қилинди. Тасвия этилган тадбирларни бажармаганлиги ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларини бузганлиги учун 112 нафар раҳбар, жавобгар шахс ва фуқароларга нисбатан 3440089 сўм миқдорда маъмурий чоралар кўрилди.

Шунингдек, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан мавжуд барча мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, меҳрибонлик уйлари, мак-

таб-интернатлар, олий ўқув юртли ва тиббиёт муассасаларида учрашувлар ташкил этилди ва факултетада ҳолатларда захира чиқиш йўллари ўрганиш бўйича машқлар ўтказилди.

Ўтган ой давомида пойтахтда жами 99 та ёнғин қайд этилган, бу эса 2012 йилнинг шу даврига нисбатан 32 тага камдир. Яхши натижаларга эришишда, фуқароларни, хусусан болаларни, ўқувчи-талабалар, беморларни содир бўлиши мумкин бўлган ўт балосидан асраб қолиш ишларида фаол иштирок этган туман ҳокимликлари, ИИБ ёнғин хавфсизлиги халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари, ҳудудий тиббиёт бирлашмалари ҳамда коллеж-лицейлар муносиб тақдирланди. Хусусан, танлов натижаларига кўра, Чилонзор туман ҳокимияти фахрли 1-ўринга муваффақ бўлиб, диплом ва қимматбаҳо совға билан тақдирланди. Учтепа ва Мирзо Улуғбек туманлари эса 2 ва 3-ўринни эгалладилар. ИИБ ёнғин хавфсизлиги бўлимлари орасида биринчи ўрин Шайхонтоҳур туман жамоасига насиб этди, Юнусobod ва Олмазор туман ИИББ ЁХБ жамоалари кейинги ўринларни кўлга киритдилар. Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимларидан Сергели тумани биринчи, Чилонзор ва Олмазор туман жамоалари 2 ва 3-даражали диплом ва эсдалик совғаларини олдилар. Туман ҳудудий тиббиёт бирлашмалари ўртасидаги мусобақада Яқкасарой туман жамоаси ғолиб бўлди, Учтепа ва Шайхонтоҳур туман ҳудудий тиббиёт бирлашмалари 2 ва 3-ўринга муносиб кўрилдилар. Ва, ниҳоят коллеж ва лицейлар орасида Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети қошидаги академик лицей жамоаси иккинчи ва Тошкент Давлат юридик институти қошидаги академик лицей жамоаси учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

Ёши улуг қарияларимиз ҳамма дуюга кўл очиб ўт балоси, сув балоси ва қуруқ тухматдан асрагин, деб бежиз ниёти қилишмайди. Инсоннинг эътиборсизлиги туфайли содир бўладиган ёнғин балосидан аҳолини хабардор қилиш ва бундай офатларнинг олдини олиш борасидаги ишлар олийк янгулангани билан тўхтаб қолмайди. Бу иш доимий давом эттирилади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Ахборот хизмати

Мамлакатимизда улғайиб келаётган ёш авлоднинг таълим олиши, соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бу соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Бугунги кунда миллий дастур талабларини тўла рўйбга чиқариш мақсадида янги таълим даргоҳлари фойдаланишга топширилмоқда, мавжудлари реконструкция қилиниб, янгитдан жиҳозланмоқда. Замонавий, илмий-педагогик ўқитиш усуллари таълим даражасини сифат жиҳатдан бойитиб, меҳнат бозорини етук кадрлар билан таъминламоқда.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими олиш мақсадида ҳар ким умумий ўрта таълим асосида академик лицейда ёки касб-хунар коллежиде ўқийётган йўналишини ихтиёрий равишда танлаш ҳуқуқига

кейинги олий маълумотни шартнома асосида олишга ҳақлиқдирлар.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг илмий ва илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжини таъминлашга қаратилган. Олий ўқув юртидан кейинги таълим олий ўқув юртли ва илмий-тадқиқот муассасаларида (аспирантура, адъюнктура, докторантура, мустақил тадқиқотчилик) олиниши мумкин. Илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, илмий даражалар ва унвонлар бериш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

Болалар ва ўсмирларнинг якка

ифодасини топмоқда. Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш доирасида 2004-2009 йилларда республика бўйича 8500 дан зиёд мактаб қурилиб ва капитал таъмирланди. Уларнинг аксарияти кишлоқларда жойлашган. Ушбу мақсадлар учун 1,4 триллион сўм сарфланди.

Амалга оширилган улкан ишларнинг самараси ўлароқ ёшларимиз нафақат миллий миқёсда балки, хорижда ҳам ўз билимлари билан ҳеч қимдан кам эмас эканликларини кўрсатишга эришган. Хусусан, 2008 йил Тошкент шаҳрида қимматли бўйича ўтказилган Меленделев номидаги 42-халқаро олимпиадада иштирок этган 15 нафар ўзбекистонлик ўғил-қиз энг юқори натижа кўрсатиб, 10 та

нишон — биттадан олтин ва кумуш ҳамда 8 та бронза медалини кўлга киритди. Шунингдек, 2009 йил июль ойида Германиянинг Бремен шаҳрида математика фанидан ўтказилган 50-Халқаро олимпиадада ўқувчиларимиз, битта олтин, 2 та бронза медали билан тақдирланди. 2010 йилнинг июль ойида математика фанидан ўтказилган 51-Халқаро олимпиадада ҳам 96 та мамлакатдан келган 517 нафар ўқувчи қаторида иштирок этган 6 нафар ўғил-қизимиз 4 та кумуш ва битта бронза медалини кўлга киритди.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда кишлоқларнинг билим олиш ҳуқуқини рўйбга чиқариш учун ҳамма шароитлар яратилган.

Ф. РАШИДОВ,
З. ИБРАГИМОВА,
Тошкент юридик коллежи
«Фуқаролик ҳуқуқий фанлар»
кафедраси ўқитувчилари

ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ЯНГИЛАНИШЛАР САМАРАСИ

тартибдаги эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек, бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари таълим муассасаларини ташкил этишлари мумкин. Мактабдан ташқари таълим муассасалари бўлалар, ўсмирлар ижодиёти саройлари, уйлари, клублари ва марказлари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, санъат мактаблари, музика мактаблари, студиялари, кутубхоналар соғломлаштириш муассасалари ва бошқа муассасалар кирди.

Юртбошимизнинг «Ўзбекистонда яшаётган барча-барча ёшлар — менинг болаларим, менинг фарзандларим!» деган сўзлари мактаб ва таълим соҳасида юртимизда амалга оширилаётган ишларда ўз

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЙЎЛ ЖАҲОЛАТНИ ЕНГАДИ

Дунё бўйича глобаллашув жараёни юз бераётган ҳозирги шароитда бир томонда инсониятнинг муштарак бўлган кўпчилик манфаатларини кўзлаб, янгича ижтимоий — иқтисодий ва сиёсий муносабатлар қарор топаётган бўлса, иккинчи томондан эса тор доирадаги манфаатлар бўлган диний ва миллий руҳдаги экстремизм, нарқобизнес ва халқаро терроризм тушунчалари ва уларнинг мудҳиш ҳодисаларига дуч келимоқда.

Шу нуқтаи назардан қараб, экстремизмнинг мазмуни ва моҳияти тўғрисида фикр юритилса, айтиш жоизки, жамиятда қабул қилинган ва фаолият кўрсатаётган қонун — қоидаларга мос келмайдиган ва уларга эид бўлган ҳолатлар мустамиски ҳисобланади. Диннинг қандайдир бир йўналишини бузган ҳолда талқин этиб, сиёсий мақсадни қўзловчи ҳаракат диний экстремизмга олиб келади. Диний экстремизм қандай номланмасин ёки қандай кўринишга эга бўлмасин, унинг асосий мақсади жангари гуруҳларни шакллантириш орқали ҳокимиятни кўлга олишдан иборатдир. Бундай ҳавфли иллатдан Ўзбекистон мамлакатини ҳам тўлиғича холи бўлмаганлигини муҳтарам Юртбошимиз Ислам Каримов кўйидаги таъкидлаган эдилар, — «Яна бизга шуни ҳам яхши маълумки, кўлга киритаётган ютуқларимиз ганимларга, бизга ўзини хайрихоҳ қўрсатувчи, аслида эса эришган ютуқларимиздан гаши келаётган баъзи дўстларимизга ёқмайди. Ҳаётимиздаги янгиланишлар уларнинг асабларини бузади, ҳаловатини ўғирлайди. Айримлар бу ҳолатни мевади дарахтга тош отилади деган нақл билан изоҳлашар, лекин мамлакатимиз томон «отилаётган» гоҳ мафқуравий, гоҳ ахборот хуружи тарзидаги бу тошлар, таассуфки оддий эмас. Бу «тош» ғараз, ҳасад, адоват, хусумат, ёвузлик, худбинлик сингари ирқий иллатлардан ташкил топгандир. Шунинг учун ҳам у ҳавфлидир, зулматга элтувчидир».

Экстремизм мазмунига кўра — диний ва дунёвий ёки намоён бўлишига кўра — ҳудудий, минтақавий, халқаро шаклларга бўлинади.

Диний экстремизм ислом оламида ҳам кенг тарқалган бўлиб, улар қаерда фаолият кўрсатмасин, асосий мақсади ислом диний давлатини барпо қилишдир. Бу мақсадга ўзаро низолар, ихтилофлар қондориб чиқариб, қуролли тўқнашувлар орқали, яъни қон тўкиш, зўрлик билан эришишни кўзлайдилар. Бу эса ҳар бир миллатнинг мустақиллигига, жамият барқарорлигига ва тараққиётига катта ғов ҳисобланади.

Ислом экстремизми муқаддас Қуръони Карим оятларидан фойдаланиб, исломнинг соф ғояларини жамиятга татбиқ этиш эмас, балки юртдошларимизнинг эътиборларини қалғитиб ислом омили орқали ҳокимиятга интилишдан бошқа нарсани кўзламайди. Шу ўринда Президентимиз Ислам Каримов «Оқ-қорани, дўст-душманини танийдиган халқимиз дин нимаю сохта ақидалар билан нимагини, ким пок ниятли ҳудудий инсоню, ким мунофиқ, риёкор эканини яхши билади. Таассуфки, баъзан ислом дини ва ислом фундаментализми ҳақида гапирганда бу икки тушунчани бир-бирига аралаштириб юбориш ҳоллари учрамоқда. Муқаддас ислом динини никоҳ қилиб, манфур ишларни амалга ошираётган аллақандай мутаассиб кўчлар, табиийки, ер юзидеги барча мусулмонларнинг руҳий олами ва дунёқарашини белгилли олмайдир», — деб қайт этдилар. Дарҳақиқат, ислом динининг маърифий-маънавий, тарбиявий моҳияти ва мазмунини халқимиз яхши билади.

Нурис ШОҲНАЗАРОВА,
Чилонзор туманидаги 6-сонли давлат нотариал идораси нотариуси

ЭЗГУ ИШЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Олмазор туманидаги 24-умумтаълим мактаби «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Камалак» болалар бошланғич ташкилотларининг сардорлари ҳамкорлигида кўнгли ўксик болажонларга руҳан кўмак бериш мақсадида саҳоватга йўғрилган тадбир ўтказилди.

— Маъмур тадбирдан кўзланган асосий мақсад, — дейди 24-умумтаълим мактаби «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотлари етакчиси Моҳира Қурбонова, — меҳрга ташна болажонларнинг кўнглиларига оз бўлса-да илиқлик бахш этишдир.

«Эзгу ишларда биргаликда» номли лойиҳа остидаги тадбирда мактаб ўқувчилари уйларида ўқув қуроллари, эсдалик совғалари, юмшоқ ўйинчоқлар, кийим-кечаклар келтиришиб, тумандаги 106-сонли заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатда тарбияланаётган болажонларга туҳфа этишди.

Шунингдек, ўқувчилар томонидан жозибали куй-қўшиқлар, рақслар ижро этилиб, мактаб-интернат тарбияланувчиларининг дилларига қувонч улашилди.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Сергели Ўқув СТК нодавлат таълим муассасаси (ИНН: 205714462) 2013 йил 27 майдаги №000567-06-сонли реестр рақами билан Сергели туман ҳокимияти ТСРЎИ (тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси) томонидан рўйхатдан ўтган. 2014 йил 1 январдан Сергели Ўқув СТК НТМнинг юридик мақоми Сергели Ўқув СТК унитар корхонасига ўзгараётганлигини маълум қилади.

Ўзбек тилида — «SERGELI O'QUV STK» унитар корхонаси;
Рус тилида — Унитарное предприятие «SERGELI O'QUV STK»

Қисқартирилган номи:
Ўзбек тилида: «SERGELI O'QUV STK» УК;
Рус тилида — УП «SERGELI O'QUV STK»

Сергели Ўқув СТК нодавлат таълим муассасасининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича вориси Сергели Ўқув СТК унитар корхонаси ҳисобланади.

Чилонзор тумани ҳокимлиги қошидаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан рўйхатдан ўтказилган (рўйхатдан ўтказиш рақами №001297-08, 2011 йил 05.05, ОКПО 20296528, ИНН 205731506) «CHILONZOR O'QUV SPORT TEXNIKA KLUBI» НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ мулкнинг ташкилий шаклини нодавлат таълим муассасасидан унитар корхонасига ўзгартрилишини маълум қилади.

Даволат эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида 277-03-78, 277-06-19 телефон рақамлари орқали қабул қилинади.

Чилонзор тумани ҳокимлиги томонидан 06.10.2013 йил № 00241808 рақами билан рўйхатдан ўтказилган «Orom kommunalchi — birinchi» ХУЖМШга «Ijod baraka» ХУЖМШ қўшилиётганлиги сабабли «Ijod baraka» ХУЖМШ тугатилиётганлиги ҳақида маълум қилади.

Даволат эълон нашр қилинган кундан бошлаб икки ой давомида 216-58-26 телефони рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Ер ресурси ва давлат кадастри бошқармаси томонидан «Eleron Elit Servis» (ИНН 205 215 370) МЧЖга 26.03.2013 йилда берилган №1538 рақамли маълумотнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«BARAKATULLO-INVEST» МЧЖ (ИНН 204530456)га Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2009 йил 30 январда берилган АВ № 0963 рақамли лицензия йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



UZTELECOM

Хурматли ҳамшаҳарлар!
Сизларни кириб келаётган янги 2014 йил —
“Соғлом бола йили”
билан чин дилдан муборакбод этамиз.
Ушбу йил сизга ва яқинларингизга
саломатлик, хонадонларингизга
тинчлик-тотувлик, файзу барака олиб келсин.
Мустақил Ватанимиз келгуси йилда
бундан ҳам гуллаб-яшнасин.


**“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК
“ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ”
филиали жамоаси**



**“ИФФАТЛИ КЕЛИН”
ЎҚУВ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ**

азиз юртдошларимизни
КИРИБ КЕЛАЁТГАН ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИ
билан самимий қутлайди.

*“Соғлом бола йили” да дилингизга туккан
эзгу ниятларингиз ижобат бўлсин.
Ватанимиз равнақи ва фаровон келажаги
йўлида амалга ошираётган барча
ишларингизга ривож тилаймиз.
Омад ҳеч қачон Сизу бизни тарк этмасин.*



**«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» ОАТБ
ЖАМОАСИ БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ**

кириб келаётган янги — 2014 йил билан
муборакбод этади!
Сизларга сиҳат-саломатлик,
хонадонингизга тинчлик-тотувлик,
файз-барака, бахт-саодат ҳамда
Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши
йўлидаги фаолиятингизда
янгидан-янги муваффақиятлар тилайди!



ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАРИ!

“Асака” банк (ОАЖ) ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ
Сизларни кириб келаётган 2014 йил —
«Соғлом бола йили» билан қутлайди ва
миллий валютадаги қуйдаги янги
муддатли омонат турини таклиф этади:

“ЯНГИ ЙИЛ 2014”
Сақланиш муддати — 12 ой,
ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки
омонат муддати тугагандан (12 ойдан)
сўнг тўлаб берилади.
Мурожаат учун телефонлар:
120-83-13, 120-83-86, 120-83-35.
“Асака” банк (ОАЖ) сармоянгни сақланиши ва
қўлайлигини кафолатлайди.
Барча омонатларингиз
фуқароларнинг банклардаги омонатларини
кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:
— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
— маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
— эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
— миқдори чекланмаган.

Хизматлар лицензияланган.



**ХАЛҚАРО “ОЛТИН МЕРОС”
ХАЙРИЯ ФОНДИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ**

азиз ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларини
кириб келаётган 2014 йил билан самимий муборакбод этади!
Янги йил ҳар бир оила, ҳар бир хонадонга олам-олам бахт,
қувонч ва шодлиқлар олиб келсин.

